

2022-2023 йилларда божхона расмийлаштирув жараёнларини рақамлаштириш бўйича

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Умумий маблағ*	Масъуллар
I. Божхона хизматларини рақамлаштирган ҳолда, уларни «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали кўрсатиш					
1.	Тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини аниқлашда божхона органи томонидан тақдим этиладиган дастлабки қарорни бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил июль 2022 йил октябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Автотранспорт воситасида юкларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида халқаро ташишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Маъмурий тартиб-тамойилларни белгилаш. 2. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 3. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил август 2022 йил июль 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), Транспорт вазирлиги (<i>И. Махкамов</i>)
3.	Интеллектуал мулк объектлари реестрини юритиш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил сентябрь 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>)
4.	Божхона тўловларини бўлиб-бўлиб ва кечиктириб тўлашга рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш.	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
5.	Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайтнинг янги	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)

	версиясини ишлаб чиқиш ва унда барча интерактив хизматларни бир жойга жамлаш.				
6.	ТИФ иштирокчисининг божхона органлари депозит ҳисобидаги пул маблағларини қайтариб олиш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил сентябрь 2023 йил февраль	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)
7.	Божхона тўловлари бўйича солиштирма далолатномани расмийлаштириш жараёнларини рақамлаштириш.	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2023 йил март	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
8.	Шартли божхона қийматини белгилаш бўйича хизматларни кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил сентябрь 2023 йил ноябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов)
9.	Божхона тўловлари таъминотида банк кафолати ва суғурта полисларини кафолат берувчи ташкилотлар томонидан божхона органига тақдим этиш жараёнларини рақамлаштириш.	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2023 йил ноябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Марказий банк (М. Нурмуратов)
10.	Божхона юк декларациясига ўзгартириш ва қўшимча киритиш, уни қайта	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш.	2022 йил октябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов),

	расмийлаштириш, қайтариб олиш, бекор қилиш бўйича мурожаат қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнларини рақамлаштириш.	2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2023 йилноябрь		Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов)
11.	Товарларнинг ТИФ ТН коди бўйича дастлабки қарор бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2023 йилноябрь 2022 йилдекабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов)
12.	Ваколатли иқтисодий операторлар мақомини бериш (худудий божхона бошқармалари томонидан) жараёнларини рақамлаштириш (такомиллаштириш).	1. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш. 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 3. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил ноябрь 2022 йил ноябрь 2023 йилдекабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
13.	Божхона худудида қайта ишлаш ва (ёки) божхона худудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимларига товарларни жойлаштириш учун рухсат бериш жараёнларини рақамлаштириш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил ноябрь 2023 йилдекабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов)
14.	Божхона органлари томонидан барча тўлов ҳужжатларини (шу жумладан инкассо топшириқномасини)	1. Маълумот алмашиш бўйича идоралараро келишув лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2022 йил ноябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов),

	электрон кўринишда юбориш имкониятини яратиш.	2. Тизимни ишлаб чиқиш ва синов тарзда ишга тушириш. 3. Тизимни амалиётга жорий этиш.	2022 йил ноябрь 2023 йил декабрь		Марказий банк (<i>М. Нурматов</i>)
15.	Экспорт йўналишидаги темир йўл вагонларини электрон буюртма қилиш ва импорт товарлари ҳужжатларини электрон қабул қилиш имкониятларини яратиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ахборот тизимларини «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига интеграция қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил октябрь	-	Транспорт вазирлиги (<i>И. Махкамов</i>), «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (<i>Х. Хасилов</i>), Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
16.	«Ягона дарча» божхона ахборот тизими имкониятларини кенгайтириш. Бунда: гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ҳамда олиб чиқишга сертификат бериш, шунингдек, транзит рухсатномасини тақдим этиш амалиётини йўлга қўйиш; рухсат этиш ва бошқа хусусиятдаги ҳужжатларни олишда бир хил турдаги ахборотларни ўз ичига олган, барча ваколатли органлар учун бир марта, ягона форматда тақдим этиладиган умумий маълумотлардан иборат ягона мурожаат шаклини ишлаб чиқиш	Ташкилий чора-тадбирлар. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2023 йил март 2023 йил май	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Б. Мусаев</i>) Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)

	<p>ҳамда унга ягона идентификация рақамини бериш тартибини жорий этиш;</p> <p>ваколатли идоралар томонидан қўлланиладиган нотариф чораларни эълон қилиб бориш;</p> <p>ҳарбий ва хавfli юкларнинг транзитихамда портловчи моддалар, қуролларни олиб кириш (олиб чиқиш) учун рухсатномаларни тақдим этиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар.</p> <p>Ташкилий чора-тадбирлар.</p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил октябрь</p>		<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов),</p> <p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> <p>Мудофаа вазирлиги (Б. Қурбонов),</p> <p>Транспорт вазирлиги (И. Махкамов),</p> <p>Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)</p>
II. Автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш					
17.	Божхона органларига хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмини ўз ичига олган ахборот тизимини яратиш.	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йилмай	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
18.	Декларацияловчи шахсларнинг электрон ҳужжатларини бир жойга жамлаш жараёнларини рақамлаштириш орқали ҳужжатларни такроран тақдим этиш амалиётини бекор қилиш бўйича «Е-архив» ахборот тизимини яратиш.	<p>1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш.</p> <p>2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2022 йил август</p> <p>2022 йилсентябрь</p>	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
19.	Божхона қиймати тўғри белгиланганлигини назорат қилиш жараёнларини тўлиқ	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш.	2022 йилиюль	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов),

	рақамлаштириш бўйича «Божхона қиймати мониторинги» ахборот тизимини яратиш.	2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йилдекабрь		Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
20.	Ходимлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни рақамлаштиришга йўналтирилган «Божхона ходими» ахборот тизимини яратиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йилиюнь 2022 йилсентябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
21.	«Божхона органлари хизматида коррупциявий хавф-хатарларни электрон баҳолаш» ахборот тизимини ишлаб чиқиш. Бунда: биринчи босқичда коррупция хавфлари юқори бўлган божхона органлари лавозимлари рўйхатини шакллантириб, тизимли мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш; иккинчи босқичда божхона органлари хизматида коррупциявий хавфлар юқори бўлган жараёнларни ўрганиб, уларни рақамлаштириш чораларини кўриш; учинчи босқичда «Божхона органлари хизматида	1. Давлат божхона қўмитаси буйруғини тайёрлаш. 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 3. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йилиюль 2022 йилавгуст 2022 йилдекабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурхонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)

	коррупциявий хавф-хатарларни электрон баҳолаш» ахборот тизимини яратиш.				
22.	Республикага кириб келаётган транспорт воситаларига тегишли маълумотларни, шунингдек, чегара ўтказиш пунктларида тўланиши лозим бўлган йиғимларни олдиндан автоматик ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини рақамлаштириш бўйича «Е-транзит» мобил иловасини яратиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йили июль 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
23.	Божхона омборларида юк операцияларида амалга ошириладиган жараёнларни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимини яратиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил август 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
24.	Давлат божхона қўмитаси ички идоравий ҳужжатларини электрон тизимлаштиришни назарда тутувчи «Ички идоравий ҳужжатлар» ахборот тизимини яратиш.	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
25.	Божхона қўригини амалга ошириш жараёнларини рақамлаштириш бўйича	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш.	2022 йил сентябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов),

	«Божхона кўриги» ахборот тизимининг янги талқини ва унинг мобил иловасини ишлаб чиқиш.	2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь		Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
26.	Товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича «Е-экспертиза» ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь 2023 йили июль	-	Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (О. Мирзаев)
27.	Халқаро почта жўнатмаларига тегишли CN22, CN23 ва тижорат ҳужжатлари ҳамда улардаги маълумотларни олдиндан электрон шаклда тақдим этиш тартибини жорий этиш мақсадида «Почта декларацияси» ҳамда «Товарларни электрон декларациялаш» давлат хизматларини кўрсатиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва уларни соддалаштириш. Бунда: илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва хизматларни кўрсатиш	1. Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотнома киритиш. 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 3. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил сентябрь 2023 йил февраль 2023 йил ноябрь	-	Ахборот технологияларива коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов)

	жараёнларини оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; тегишли ахборот тизимини Ягона порталга интеграция қилиш бўйича янгиланган техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш.				
28.	Ходимлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш (KPI) тизимини ишлаб чиқиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил октябрь 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (<i>О. Мирзаев</i>)
29.	ТИФ иштирокчиларини рағбатлантириш мақсадида улар фаолиятини хавфларни бошқариш тамойиллари асосида баҳолаб бориш тизимини яратиш. Бунда, логистика занжирида иштирок этувчи ТИФ иштирокчилари (<i>ташувчи, божхона омбори вакили, божхона брокери ва бошқалар</i>) фаолиятини баҳолаш имконини берувчи хавф мезонларини ишлаб чиқиш.	1. Лойиҳа-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил ноябрь 2023 йил сентябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (<i>О. Мирзаев</i>)

30.	Кинология ва ветеринария хизматларидаги жараёнларни рақамлаштириш бўйича «Рақамли кинология» ахборот тизимини яратиш.	1. Лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш. 2. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2022 йил декабрь 2023 йил сентябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Шерматов</i>), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (<i>О. Мирзаев</i>)
III. Ахборот алмашинуви жараёнларини рақамлаштириш					
31.	Давлат божхона қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари ўртасида қуйидаги маълумотларнинг алмашинувини таъминлаш: юридик шахсларнинг паспорт маълумотлари; юридик шахсларнинг СТИРи; юридик шахсларнинг манзиллари; юридик шахсларнинг раҳбарлари маълумотлари.	1. Техник йўриқнома ишлаб чиқиш. 2. Маълумотлар алмашинувини таъминловчи платформани яратиш. 3. Хизматни амалиётга жорий этиш.	2022 йил август 2022 йил сентябрь 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Давлат солиқ қўмитаси (<i>Ш. Кудбиев</i>)
32.	Магистрал газ қувурлари орқали республика божхона чегараларидан олиб ўтиладиган табиий газ миқдорлари тўғрисида божхона органларига электрон маълумот узатиш тизимини йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Энергетика вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АЖ маблағлари ҳисобидан	Энергетика вазирлиги (<i>А. Ахмедхаджаев</i>), «Ўзтрансгаз» АЖ (<i>Б. Нарматов</i>), Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
33.	Электр узатиш тармоқлари орқали божхона чегарасидан олиб ўтиладиган электр энергияси миқдорлари тўғрисида	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Энергетика вазирлиги ва «Ўзбекэнерго»	Энергетика вазирлиги (<i>А. Ахмедхаджаев</i>), «Ўзбекэнерго» АЖ (<i>У. Мустафоев</i>),

	божхона органларига электрон маълумот узатиш тизимини йўлга қўйиш.			АЖмаблағлари ҳисобидан	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
34.	Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими ва божхона юк декларациялари маълумотларининг ўзаро мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил сентябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маблағлари ҳисобидан	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>А. Воитов</i>), Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
35.	Халқаро аэропортларнинг учиб кетиш йўналишида «масофавий божхона назорати» (<i>махсус ажратилган жойларда визуал кузатувни амалга ошириш орқали</i>) тизимини жорий этиш. Бунда: 1. Йўловчилар ва уларнинг юклари тўғрисида дастлабки маълумотлар (API/PNR) ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотлар базаси асосида хавфларни баҳолаш орқали давлат назоратини ташкил этишни назарда тутувчи Идоралараро хавфларни бошқариш ахборот платформасини яратиш.	Режа-жадвалга мувофиқ. Тизимни жорий этиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш. Тизимни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.	2022 йил июль 2022 йил декабрь 2023 йили июль	«Uzbekistan Airports» АЖ маблағлари ҳисобидан - -	Транспорт вазирлиги (<i>И. Маҳкамов</i>), «Uzbekistan Airports» АЖ (<i>Р. Джураева</i>), Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), вилоят ҳокимликлари Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Транспорт вазирлиги (<i>И. Маҳкамов</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>П. Бобожонов</i>), Бош прокуратура (<i>Н. Йўлдошев</i>), ДХХ Чегара қўшинлари (<i>С. Хусанов</i>), «Uzbekistan Airports» АЖ (<i>Р. Джураева</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар

	<p>2. Ўзбекистон Республикасига учиб келаётган ва ундан учиб кетаётган барча турдаги авиарейслар бўйича қуйидаги маълумотларни божхона органларининг ахборот тизимларига электрон кўринишда тақдим этишни <i>(онлайн интеграция қилинган ҳолда)</i> йўлга қўйиш:</p> <p>1) йўловчилар ва уларнинг юклари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар (API/PNR);</p> <p>2) юklar тўғрисида дастлабки маълумотлар (FFM, FWB, FHL);</p> <p>3) авиарейслар жадвали.</p> <p>3. Барча халқаро аэропортларни йўловчиларнинг юзини аниқлаш тизими <i>(видеокамералар, видеосерверлар)</i>, коммуникация қурилмалари, 3D рентген томографлари, йўловчилар ва уларнинг юкларидаги штрих кодларни автоматлаштирилган тартибда ўқиш қурилмалари билан жиҳозлаш ва мониторинг марказларини яратиш.</p>	<p>Тизимни жорий этиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш.</p> <p>Тизимни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.</p> <p>Техник топшириқларни тасдиқлаш.</p> <p>Техник воситаларни харид қилиш.</p> <p>Техник воситаларини ўрнатиш.</p> <p>Ходимларни техник воситалардан фойдаланиш бўйича ўқитишни ташкил этиш.</p>	<p>2022 йили июнь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йили июнь</p> <p>2022 йил декабрь</p>	<p>«Uzbekistan Airports» АЖ маблағлари ҳисобидан</p> <p>«Uzbekistan Airports» АЖ маблағлари ҳисобидан</p>	<p>«Uzbekistan Airports» АЖ <i>(Р. Джураева)</i>, Транспорт вазирлиги <i>(И. Махкамов)</i>, Давлат божхона қўмитаси <i>(А. Мавлонов)</i></p> <p>«Uzbekistan Airports» АЖ <i>(Р. Джураева)</i>, Транспорт вазирлиги <i>(И. Махкамов)</i></p> <p>Давлат божхона қўмитаси <i>(А. Мавлонов)</i></p>
36.	<p>Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган барча турдаги халқаро йўловчи ташиш вагонларида ҳаракатланаётган фуқаролар бўйича дастлабки</p>	<p>1. Тизимни жорий этиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тизимни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2022 йили июнь</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан</p>	<p>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ <i>(Х. Хасилов)</i>, Транспорт вазирлиги, <i>(И. Махкамов)</i>, Давлат божхона қўмитаси</p>

	маълумотларни электрон кўринишда (онлайн шаклда — божхона органларининг ахборот тизимларига интеграция қилинган ҳолда) тақдим этиш.				(А. Мавлонов)
37.	ТИФ соҳасида ваколатли давлат органларининг назорат ва рухсатнома бериш жараёнидаги функцияларини хавфни бошқариш тамойили асосида ташкил этиш ва божхона органлари билан мавжуд хавфлар бўйича маълумот алмашишни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил декабрь	-	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
38.	Покистон Ислом Республикаси божхона хизмати билан 2021 йилнинг 15 июль куни имзоланган товарлар тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш бўйича идоралараро Баённома доирасида Электрон ахборот алмашишнинг техник шартларини келишиш чораларини кўриш.	Ҳужжат лойиҳасини имзолаш юзасидан музокаралар ўтказиш.	2022 йил давомида	-	Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов), Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов)
39.	Эрон Ислом Республикаси божхона маъмурияти билан божхона чегаралари орқали ҳаракатланган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида божхона ахборотларининг электрон алмашинувини йўлга қўйиш.	Идоралараро халқаро шартнома (меморандум) имзолаш юзасидан музокаралар ўтказиш.	2022 йил давомида	-	Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов), Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов)
40.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси.	2022 йил давомида	-	Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов),

	Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳамда Туркия Республикаси давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги Баённоманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомилларини амалга ошириш.				манфаатдор вазирлик ва идоралар
41.	Темир йўл транспортида ташиладиган товарлар бўйича дастлабки маълумотларни электрон равишда божхона органларига тақдим этиш тартибини йўлга қўйиш. Бунда: «Е-транзит» ахборот тизимини ишлаб чиқиш; «Е-транзит» ахборот тизимига «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан маълумотларни ўз вақтида киритиш; «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ходимлари учун «Е-транзит» ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш.	Тизимни жорий этиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш. Тизимни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш. Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йили июнь 2022 йили июль доимий	-	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (<i>Х. Хасилов</i>), Транспорт вазирлиги, (<i>И. Махкамов</i>) Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
IV. Божхона хизматларини рақамлаштириш учун инфратузилма яратиш					
42.	Темир йўл ва автотранспорт ташувларида хавф даражаси юқори бўлган вагон ёки контейнерларга «GPS»	1. Техник топшириқларни тасдиқлаш ва Мудофаа саноати давлат қўмитасига тақдим этиш.	2022 йил декабрь	ДБҚ махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>) Мудофаа саноати давлат қўмитаси

	пломбаларини ўрнатиш орқали назоратни амалга ошириш тартибини жорий этиш.	2. Техник воситаларни харид қилиш.		6 млрд сўм	(<i>О. Исмоилов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)
43.	Иш самарадорлигини ошириш мақсадида божхона постларини қуйидаги техник воситалар билан жиҳозлаш: компьютер техникаси — 600 та; радиоалоқа воситаси (рация) — 615 та локал тармоқ қурилмалари (коммутатор) — 44 та; видеокузатув (инсон юзини таниб олиш) тизими — 400 та камера, 20 та сервер; қўл юкларини кўриқдан ўтказувчи замонавий сканер (рентген) қурилмалари — 23 та; фуқаролар қўл юкларини кўриқдан ўтказувчи замонавий «3D томограф» сканер (рентген) қурилмалари — 3 та; инсон танасини сканер қилувчи қурилма (Body scanner) — 8 та; транспорт воситаларини сканер қилувчи замонавий инспекцион кўриқ мажмуалари — 6 та; электрон автотарозилар (транспорт воситалари учун) — 16 та;	1. Техник топшириқларни тасдиқлаш ва Мудофаа саноати давлат қўмитасига тақдим этиш. 2. Техник воситаларни харид қилиш. 3. Техник воситаларини ўрнатиш. 4. Ходимларни техник воситалардан фойдаланиш бўйича ўқув курсларда ўқитиш.	2022-2023 йиллардавомида	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан: 2022 йилда 66 млрд сўм; 2023 йилда 201,5 млрд сўм	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>) Мудофаа саноати давлат қўмитаси (<i>О. Исмоилов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)

	ҳажм ўлчовларини автоматик аниқловчи қурилмалар — 15 та.				
44.	<p>Иш самарадорлигини ошириш мақсадида божхона постларини қуйидаги техник воситалар билан жиҳозлаш:</p> <p>компьютер техникаси (доимий электр манбаи (UPS) билан бирга) — 425 та; «Body camera» қурилмалари — 80 та; планшетлар (божхона кўригини амалга ошириш учун) — 357 та; радиоалоқа воситаси (рация) — 600 та локал тармоқ қурилмалари — 82 та коммутатор, 14 та маршрутизатор ва 350 та IP телефонлар; видеокузатув (инсон юзини таниб олиш) тизими — 100 та камера, 8 та сервер; GPS мониторинг тизими — 46 та GPS трекер қурилмаси ва дастурий таъминоти; транспорт воситаларининг давлат рақамини ҳамда вагонлар рақамини автоматик аниқлаш тизими — 87 та камера, 19 та сервер, 19 та доимий электр манбаи (UPS);</p>	<p>1. Техник топшириқларни тасдиқлаш ва Мудофаа саноати давлат қўмитасига тақдим этиш.</p> <p>2. Техник воситаларни харид қилиш ишларини ташкиллаштириш.</p> <p>3. Техник воситаларни ўрнатиш.</p> <p>4. Ходимларни техник воситалардан фойдаланиш бўйича ўқув курсларда ўқитиш.</p>	2022-2023 йиллардавомида	ДБК махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2022-2023 йилларда 147 млрд сўм;	Давлат божхона қўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), Мудофаа саноати давлат қўмитаси (<i>О. Исмоилов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>)

<p>кўл юкларини кўриқдан ўтказувчи замонавий сканер (рентген) қурилмалари — 10 та; фуқаролар кўл юкларини кўриқдан ўтказувчи замонавий «3D томограф» сканер (рентген) қурилмалари — 2 та; инсон танасини сканер қилувчи қурилма (Body scanner) — 5 та; транспорт воситаларини сканер қилувчи замонавий инспекцион кўриқ мажмуалари — 2 та; электрон автотарозилар — 10 та транспорт воситалари ва 8 та вагонлар учун; ҳажм ўлчовларини автоматик аниқловчи қурилмалар — 3 та; сенсорли мониторлар (100 дюйм) — 10 та; акустика қурилмалари — 10 та микрофон, микшер ва бошқалар; DLP, антивирус дастурлари; моноблок, принтер, UPS (махфий маълумотлар билан ишлаш учун) — 145 та; медиа маҳсулотларни тайёрлаш учун махсус қурилмалар (фото, видеокамера, суфлёр ва бошқалар) — 83 та.</p>				
--	--	--	--	--

45.	Халқаро аэропортлар учини майдонларининг божхона назорати ҳудудларига видеокузатув камераларини ўрнатиш ва божхона органлари видеокузатув тизимига интеграция қилиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил октябрь	«Uzbekistan Airports» АЖ маблағлари ҳисобидан	«Uzbekistan Airports» АЖ (Р. Джурсаева), Транспорт вазирлиги, (И. Махкамов)
46.	Давлат божхона қўмитаси тизими учун юқори қувватли замонавий сервер қурилмаларини харид қилиш ҳамда тегишли қурилиш ишларини амалга ошириб, инфрратузилма яратиш орқали маълумотларни қайта ишлаш DATA-марказ, Ситуацион марказ ва ягона Call-марказини ташкил этиш ҳамда божхона органлари алоқа каналлари тезлигини ошириш.	1. Марказни қуриш ва ташкил этиш учун тегишли инфрратузилма яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш. 3. Давлат божхона қўмитаси буюртмаси асосида қурилма ҳамда ахборот-коммуникация воситаларини харид қилиш бўйича тегишли шартномани имзолаш. 4. Қурилма ҳамда ахборот-коммуникация воситаларини ўрнатиш ва Марказ фаолиятини йўлга қўйиш.	2022 йили июнь 2022 йили июль 2022 йили август 2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 134 млрд сўм	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Мудофаа саноати давлат қўмитаси (О. Исмоилов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), «Киберхавфсизлик маркази» ДУК, (О. Мирзаев), манфаатдор вазирлик ва идоралар
V. Божхона пости маъмурчилигини ривожлантириш бўйича бошқа масалалар					
47.	Божхона қийматининг эҳтимоллий диапазонини автоматик ҳисоблаб чиқадиган ахборот тизимини жорий этиш йўли билан нарх маълумотлар бюллетенини шакллантиришни тўлиқ бекор қилиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2022 йил ноябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов),

					Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Ш. Шарахметов)
48.	Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда янада қулайлик яратиш мақсадида ташқи савдо шартномаларини ижро қилиш даврида хорижий шериклар ўзгариши билан боғлиқ қўшимчаларнинг божхона юк декларацияларида қайд этилишини назарда тутувчи талабни мақбуллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2022 йил ноябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев)
49.	Импорт товарларининг юк-кузатув ҳужжатларига божхона ходимлари томонидан штамп ва муҳр қўйиш амалиётини рақамлаштириш орқали бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.	Таҳлилий маълумотнома.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
50.	Чегара божхона постларида ветеринария ва фитосанитария органларининг назорат тартиботларини хавфни бошқариш (танлов) тамойили асосида ташкил этиш ва мавжуд хавфлар бўйича постдаги давлат назорати органлари билан ўзаро маълумот алмашинувини жорий этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.	2022 йил декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигимаблағлари ҳисобидан	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш агентлиги (Б. Норқулов), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Иргашев), Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

51.	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги маълумотлар базасини божхона органлари ахборот тизимига интеграция қилиш орқали божхона органларига тақдим этилган дастлабки ахборотлар асосида чегара ўтказиш пунктида карантин назорати объектларини (транзит йўналишида) инсон аралашувисиз олдиндан электрон расмийлаштириш тизимини жорий этиш. Бунда, хавф даражаси юқори бўлган товарлар учун рухсатнома расмийлаштируви бевосита карантин ходими томонидан амалга оширилади.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2022 йилноябрь	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Иргашев), Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов)</p>
52.	<p>Карантин объекти ҳисобланган товарларни импорт қилишда импорт карантин рухсатномасини (ИКР) ТИФ иштирокчиси ҳамда шартнома ва транспорт турлари бўйича тақдим этиш механизидан воз кечиб, ИКРни юк юборувчи ҳудудлар кесимида тақдим этиш механизмини яратиш.</p>	<p>1. Қонун лойиҳасини тайёрлаш. 2. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	2022 йилноябрь	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Иргашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), Давлат божхона кўмитаси (А. Мавлонов)</p>
53.	<p>Карантин объекти ҳисобланган товарларни импорт қилиш мумкин бўлган давлатлар рўйхатини Интернетда онлайн режимда жойлаштириб, эълон қилиб бориш.</p>	<p>Ташкилий чора-тадбирлар.</p>	2022 йилноябрь	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги маблағлари ҳисобидан</p>	<p>Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Иргашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов),</p>

					Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
54.	Давлат божхона кўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда ТИФ иштирокчилари ўртасида қоғоз шаклида амалга ошириладиган тартиб-таомилларни рақамлаштириш орқали инсон омилини қисқартириш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил декабрь	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (<i>Х. Хасилов</i>), Транспорт вазирлиги, (<i>И. Махкамов</i>), Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
55.	Хавфни бошқариш тизимини такомиллаштириш натижасида чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш ёки транспорт воситаларини божхона кузатувиغا олиш масаласидаги қарорни инсон омилисиз қабул қилиш механизминини жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2023 йил октябрь	-	Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>)
56.	«Идоралараро валюта назорати» тизимини жорий этиш орқали ташқи савдо операцияларининг асослилиги юзасидан мониторинг олиб боришни рақамлаштириш асосида янада такомиллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2022 йил декабрь	-	Марказий банк (<i>М. Нурмуратов</i>), Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
57.	Божхона расмийлаштирувида транспорт хизматларига оид шартномаларни божхона юк декларациясида қайд этиш тизимини йўлга қўйиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.	2022 йил октябрь	-	Давлат божхона кўмитаси (<i>А. Мавлонов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар

58.	Жаҳон савдо ташкилотининг Божхона тартиботларини соддалаштириш битими асосида ягона транзит сиёсатини амалга ошириш ва транзит ташишларни тартибга солиш бўйича ваколатли мувофиқлаштирувчи органни белгилаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2022 йил август	-	Транспорт вазирлиги (И. Махкамов), Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов)
59.	Авиакомпаниялар ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан товарлар ва йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотлар божхона органига белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолларда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллашни йўлга қўйиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Транспорт вазирлиги, (И. Махкамов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
60.	Божхона тўловларининг қўшимча ҳисобланиши жараёнини рақамлаштириш орқали қарздорликлар ҳисобини юритишнинг умумий шаффоф электрон тизимини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар.	2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)
61.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Божхона брокерлари ассоциацияси билан биргаликда божхона брокери ва халқаро курьерлик жўнатмаларини етказиб бериш фаолиятини ваколатли органни хабардор қилган ҳолда амалга ошириш	1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	2022 йил сентябрь 2022 йил декабрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

	тартибини ҳамда бундай фаолиятни амалга оширишнинг маъмурий тартиб-тамойилларини белгилаш.				
62.	Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан хорижда рўйхатга олинган автотранспорт воситаларини божхона ҳудудига вақтинчалик олиб кириш тартибини жорий этиш.	Қонун лойиҳасини тайёрлаш.	2022 йил октябрь	-	Давлат божхона қўмитаси (А. Мавлонов)

** қурилма ва хизматлар нархлари бозор конъюнктурасига асосан танлов ва тендер савдолари давомида ўзгариши мумкин.*

Изоҳ: мазкур Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва лозим даражада молиялаштирилмаган тақдирда, уларни амалга ошириш муддатлари Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин.